

ИЖОДКОР РАССОМ ҲАЙДАРАЛИ УСМАНОВ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи маънавият
бўлими катта илмий ходими*

Валиева Ҳадияхон.

Санъат асарларининг томоша қилишдан аввал “Санъат” сўзи ўзинима эканлигига жавоб берайлик. Санъат-бу гўзаллик, гўзал қалбли, гўзал юзли инсонларнинг қалб ижоди маҳсулидир. Ҳар бир иймон-эътиқодли, қалби пок инсон ҳар қандай санъат асарини томоша қилар экан қалбига нур, юзига табассум югуради ва беихтиёр отангга раҳмат, қўли гул уста экан дейиши табиий. Шу боис ҳам гўзаллик дунёни кутқаради деб бежиз айтилмаган. Санъат бир неча турларга бўлинади, улардан бири амалий санъатдир. Ҳозирги кунда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи хазина бўлимида 647дан зиёд, амалий санъат асарларининг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, шулардан 9 донаси ноёб ҳисобланади. Музейимизнинг санъат кўргазмалар залида асасан наманганлик машхур мўй-қалам соҳибларининг экспозицияга 23 дона рангтасвир асарлари, турли давлатларга оид амалий санъат дурдоналари намойишга қўйилган. Уларнинг ҳар бири ўз аҳамиятига эга ва тахсинга лойик.

Ҳар бир рассом кимгadir ўхшашга ҳаракат қилмайди, муайян оҳангни ўзлаштиришга ҳам зўр бермайди, лекин ўтмиш тажрибасидан ўрганган нарсасини ўз шахсий қарашлари асосида қайта ишлайди. Рассом анъаналарга мурожаат этар кан, уларни ўз шахсияти тақозо этган даражада таҳлил этади, ўз “мени”дан ўтказади. “ҳазм” қиласи, у тақлид этишдан йироқ, бундай нарсага тоқат ҳам қилолмайди. У яратган суратлар эса рассомнинг ранглар воситасида яратган куйидир. Уни кўз билан кўриб, қалб билан ҳис этиш ҳар бир кишининг ўз сўзи, ўз баҳосини айтишга имкон беради.



Ижод шамуналар орасида машҳур мўйқалам рангтасвир устаси Ҳайдарали Усмановнинг учлик асари музейга ташриф буюувчилар ва четырек меҳмонларни эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Асар зиёратчиларни ўйга толдириб мулоҳазага чорлайди. Асарларда миллий қадриятларимиз, удумларимиз, она табиатни асраб, унга меҳр-мухаббат уйғотиш акс ттирилган. Ҳайдарали Усманов 1960 йил 12 январида Наманган тумани Ирвадон қишлоғида туғилган. 1974-1978 йил Тошкентдаги республика маҳсус мусиқа ва рассомлик санъат мактаб – интернатида ўқиган. 1990 йилдан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, 1991-1992 йили Бобораҳим Машраб мукофотига сазовор бўлган. 1996 йили Туркияда Збта давлат иштирокида ўтказилган халқаро кўргазмада биринчи ўрин соҳиби бўлди. 2001 йил Ўзбекистон Республикаси “Энг улуғ, нг азиз” кўриктанлови ғолибига айланди. Асарлари Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Франция, Италия, Малазия, Хитой ва Туркия сингари мамлакатларнинг кўргазмаларида намойиш этилган. Аммо, афсус у айни ижод чўққисига етган чоғида 2015 йилда 55 ёшида вафот этди. Ҳайдарали Усманов қаламига мансуб қуйидаги келтирилган асари она табиатни севиб, асраршга, туғилиб ўсган қишлоғига, юртига, ватанига меҳр-мухаббат уйғотиб, уни ҳимоя қилишга чорлайди.

“Нанай йўли” асарида катта ёруғ йўлни кўрамиз. Чангитиб от минган оқ кўйлак кийган чавандоз йигит қаергадир жўнаб кетаётгани, борадиган манзили олислиги ёрқин ранглар билан ёритган. Суратда салқин ҳаво, осмон мусаффолиги булутлар аниқ, тиниқ акс эттирилган, муздекшаббода эсаётганлиги, дарахтлар шохлари, барглари билан бир томонга эгилаётгани, ҳаттоқи ердаги ўсиб чиқсан майса, пичан ўтлар ҳам ям-яшил, қизғиши табиатдаги барча ранглардан фойдаланилган. Шаббода ёқимли эсадики, инсонга ҳузур бағишиларди. Шу билан бирга асарда пасткина уйларнинг орқа томонида адир тоғ чўқилари аск ттирилган. Йигит болалигини ўтказган йиллари, она қишлоғи йўлида кетаётгани



тасвириланган. Бу асар орқали рассом Нанай қишлоғининг гўзал табиати бетакрорлигини акс эттирган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001,
2. Курбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, .
3. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар.
4. Маликова С.С. Тасвирий санъат тарихи. – Т., 2008.
- 6.Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. – Т.: «Ўқитувчи»

Фрайдаланилган адабиётлар.

- 1 Мозейдан садо журнали 2016 йил № 1 (69)
2. Ипакчилик санъати Миллий хунурмандлар китоби.





**Ilim fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va
zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**

